

ИСЛОҲОТЛАРИМИЗ САМАРАСИНИ ҲАР БИР ИНСОН, ҲАР БИР ОИЛА ЎЗ ҲАЁТИДА ҲИС ЭТИШИ КЕРАК

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 12-13 март кунлари Хоразм вилоятида бўлди.



Ташрифнинг иккинчи куни давлатимиз раҳбари Урганч шаҳрида Хоразм вилояти ва туманлар ҳокимлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, тадбиркорлар, зиёлилар иштирокида йиғилиш ўтказди.

Халқимиз ҳаётини янада яхшилашга йўналтирилган ислохотларимизни одамлар билан мулоқот ва маслаҳат асосида ишлаб чиқяпмиз. Хоразмга ҳам жойларда аҳолини қандай муаммолар ташвишга солаётгани ҳақида суҳбатлашгани келдим. Шунинг учун менга кўпроқ масала қўйсаларингиз натижа бўлади. Биз ёлгон, баландпарвоз гапириб шу аҳволга келдик. Президентга ёлгон гапириш — Ватанга хиёнат, — деди Шавкат Мирзиёев.

Вилоятнинг ривожланиш даражаси орқада қолаётгани кўрсатиб ўтилди. Аҳоли жон

бошига ялпи ҳудудий маҳсулот республика кўрсаткичидан 1,5 баробар, саноат маҳсулоти ва хизмат кўрсатиш ҳажми бўйича эса 2 баробар паст. Худудда 58 минг оила камбағаллик бўсағасида кун кечирмоқда. Шундан 856 таси ўта ночор аҳволда. Кўплаб одамлар ишлаш учун хорижга кетган. Буларнинг барчасидан келиб чиқиб, Хоразмда 200 минг иш ўрни яратиш зарур.

Давлатимиз раҳбари аҳолини тадбиркорликка жалб этган ҳолда, янги корхоналар ва иш ўринлари яратиш, шу орқали камбағалликни кескин қисқартириш асосий мақсад эканини таъкидлади.

Туман ва шаҳарларда тадбиркорликни жадал ривожлантириш, банкларни “лойиҳалар фабрикаси”га айлантириш зарурлиги қайд этилди. 2,5 мингта бўш турган бино негизда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил этиш, “Ҳазорасп” эркин иқтисодий зонасини янги лойиҳалар би-

лан тўлдириш бўйича кўрсатмалар берилди. Қишлоқ туманларда пуллик хизмат кўрсатиш Урганч шаҳрига нисбатан 10 — 15 баробар пастлиги таъкидланиб, бундай объектларни кескин кўпайтириш кераклиги белгиланди.

Йиғилишда Президентимиз Хоразм вилоятини ривожлантиришнинг муҳим йўналишларини кўрсатиб ўтди. Яқин уч йилда умумий қиймати 24 триллион сўмлик 2 минг 736 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 50 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Ҳазораспдаги автомобиль заводида “Дамас” ва “Лабо” микровэнлари ишлаб чиқаришнинг маҳаллийлаштириш даражасини 65 фоизга етказиш (ҳозир 27 ва 14 фоиз) бўйича янги лойиҳалар амалга оширилади.

Вилоятда келгуси йилда пахтани қайта ишлаш даражасини 100 фоизга, калава

ипни уч йилда бугунги 35 фоиздан 70 фоизга етказиш бўйича янги лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Малайзиялик инвесторларнинг 250 миллион доллар сармояси ҳисобидан йилига 63 минг тонна каустик сода ва хлор ишлаб чиқарадиган кимё заводи курилади.

Сувдан унумли фойдаланиш, мева-сабзавотчилик кластерлари ташкил этиш, қовунчиликда “Хоразм нави” брендини яратиш, қовун етиштириш ва экспорт қилишни кўпайтириш бўйича вазифалар белгиланди.

Сайёҳлик салоҳиятини кенгайтириш мақсадида Шовот каналининг икки ёнида кичик туризм зонасини, Хивада “Хоразм хонлари шаҳарчаси”ни ташкил этиш бўйича топшириқ берилди.

Давлатимиз раҳбари миллий санъатимизни тараннум этиш, хорижликларни юртимизга жалб қилиш мақсадида Хоразмда лазги бўйича халқаро фестиваль ўтказишни тақлиф этди. Бу ташаббусни хоразмликлар мамнуният билан қўллаб-қувватлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига илгари келганида Урганч шаҳрида Жалолиддин Мангуберди мемориал боғи ташкил этиш бўйича кўрсатма берган эди. Шунга мувофиқ лойиҳа тақлифи тайёрланиб, бу галги ташриф чоғида намойиш қилинди.

Президентимиз ҳайкалнинг хомаки нусхасини синчиклаб кўрди. Мазкур ёдгорлик маҳобатли бўлиши, узокдан ҳам яққол кўзга ташланиб туриши зарурлигини таъкидлади.

Боғ учун мўлжалланаётган майдон мутасаддилар билан муҳокама қилинди.

Жалолиддин Мангуберди — буюк саркарда бобомиз, миллатимизнинг фахру гурури. Унга бағишланган майдон шунга яраша катта, мазмунли бўлиши керак. Боғ бўйлаб Мангубердининг озодлик учун кураши, жанглари ҳақида лавҳлар ўрнатилиши зарур. Бу ерга келган одам фақат ҳайкални кўрмай, ўзига билим, куч-қудрат олсин, сайёҳлар тарихимизни ўргансин, — деди Шавкат Мирзиёев.

Лойиҳани қайтадан пухта ишлаб чиқиш, транспорт ҳаракати учун қулайликларни инобатга олиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига сафари якунланди.

ЎЗА.
Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати сурати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қурилиш соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш, бюрократик тўсиқларни камайтириш, инновацион ғоялар, ишланмалар ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, қурилишнинг бarcha босқичларида шаффофликни таъминлаш мақсадида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) қуйидаги шартлар бажарилган тақдирда **Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2028 йил 31 декабрга қадар шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатидан тартибга солишга доир** миллий норматив ҳужжатлар билан бир вақтда, шу жумладан, лойиҳа ҳужжатларини экспертиза-

дан ўтказиш босқичида 1-иловада келтирилган **хорижий норматив ҳужжатлар қўлланишига рухсат этилади:**

маҳаллий лойиҳа-қидирув ташкилотларини жалб этган ва миллий норматив ҳужжатларга номуаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни ишлаб чиққан ҳолда, хорижий норматив ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган лойиҳа ҳужжатларининг мослаштирилиши; зарур ҳолларда мослаштирилган лойиҳа ҳужжатларини қўриб чиқиш учун ваколатли орган томонидан жалб қилинган мустақил хорижий мутахассислар ва консултантлар хизматлари учун тўлов харажатла-

ри, ушбу ҳужжатларни кўриб чиқиш натижаларидан қатъи назар, бюрutmачи (инвестор) томонидан қопланиши;

б) **2020 йил 1 июлдан:** солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш таҳрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар) асосида автоматик тарзда шаклланадиган **лойиҳа-қидирув ташкилотларининг электрон рейтинги жорий этилади;**

в) **2020 йил 1 сентябрдан:** солиқ ва статистика ҳисоботлари маълумотлари (иш таҳрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали

мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва тўланган солиқлар, иш ҳақи тўлаш фонди ва бошқа мезонлар), шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси маълумотлари (қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси ҳамда бошқа мезонлар) асосида қурилиш ишлари ҳажмлари ва объектларига мувофиқ табақалаштирилган ҳолда автоматик тарзда шакллантирилаётган **қурилиш-пудрат ташкилотлари-**

нинг электрон рейтинги жорий этилади;

г) **2021 йил 1 январдан:** **қурилиш соҳасидаги давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомиллари,** лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг харид тартиб-таомилларида белгиланган малака талабларига мувофиқлигини баҳолашда уларнинг электрон рейтинги маълумотларидан фойдаланиш ва бошқа электрон тизимлар билан интеграциялаш имкониятини ҳисобга олган ҳолда, **электрон шаклда онлайн режимида амалга оширилади;**

(Давоми 4-бетда).



Муносабат

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР

Хоразм аҳлини янги марралар сари руҳлантирмоқда

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига амалга оширган ташрифини, жойлардаги учрашувлар, самимий мулоқотлар, янги лойиҳалар тақдирлари билдирган фикрларини юртдошларимиз катта қизиқиш билан кузатиб борди. Вилоят аҳли ҳар

бир қилинаётган эзгу иш ҳудудини янада ривожлантириш, халқ манфаатларини таъминлаш, буюк меросни асраб-авайлаш, навқирон авлод таълим-тарбияси учун муносиб шароитлар яратишга қаратилганини теран англаб, миннатдорлик туйғуси билан яшамоқда, эртан-

ги кунга катта ишонч билан қарамоқда. Буни тадбиркорлар, маданият, маърифат ахли, умуман, воҳада яшаб, фаолият юритаётган турли соҳа вакилларининг қуйидаги фикрларидан ҳам англаш қийин эмас.



Олий Мажлис Сенати Кенгашида

ДОИМИЙ МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Нарбаева юқори палата аъзоларининг мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлардаги иштирокини қучайтириш, уларнинг ўз ваколатларидан самарали фойдаланиш

борасидаги фаоллигини ошириш масалаларига тўхталиб ўтди.

Мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган беш муҳим ташаббусни амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2020 йил 18 февралда қабул қилинган
Сенат томонидан 2020 йил 28 февралда маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш ва тугатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:
ариза берувчи — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича давлат органига муурожаат қилган вояга етган Ўзбекистон Республикаси фуқароси ёки чет давлат фуқароси ёхуд вояга етган фуқаролиги бўлмаган шахс;

бола — ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунга) қадар бўлган шахс;

ватандош — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган ёки илгари унинг ҳудудида яшаган, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида яшайдиган шахс ва унинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан кейинги қариндошлари, башарти, агар уларнинг насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайётган бўлса ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари бўлса;

ёлғиз ота ёки она — болани тарбиялаётган ота (она), башарти боланинг туғилганлиги тўғрисидаги расмий ҳужжатларда ота-онасидан бири ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлмаса ёхуд бундай маълумотлар тарбиялаётган отанинг (онанинг) сўзларига асосан киритилган бўлса;

тирикчиликнинг қонуний манбаи — иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, тадбиркорлик фаолиятидан ёки мулкдан олинган фойда, пенсия, стипендия, алиментлар, ижтимоий нафақалар, молиявий жамғармалар ёки оила аъзолари ва бошқа шахсларнинг молиявий ёрдами, шунингдек бошқа қонуний даромадлар;

фуқаролиги бўлмаган шахс — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаган ва ўзининг чет давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлмаган шахс;

фуқароликнинг ўзгариши — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш ёки тугатиш;

чет давлат фуқароси — Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлмаган, бошқа давлат фуқаролигига ва ўзининг бошқа давлат фуқаролигига мансублигига доир далилга эга бўлган шахс;

Ўзбекистон Республикасининг хорижда доимий яшовчи фуқароси — Ўзбекистон Республикасидаги доимий яшаш жойидан рўйхатдан чиққан ҳамда хорижда доимий яшашга чиқиб кетиш учун рухсатнома расмийлаштирган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

яшаш — шахсининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ташқарисида қонуний асосда туриши;

яшаш гувоҳномаси — фуқаролиги бўлмаган шахснинг ёки чет давлат фуқаросининг шахсини тасдиқлайдиган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшашга рухсат этилганлигининг тасдиғи сифатида берилган ҳужжат.

4-модда. Ўзбекистон Республикасида фуқаролик

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик шахснинг давлат билан ўзаро ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги йиғиндисидан ифодаланадиган ҳамда инсон қадр-қиммати, асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини эътироф этиш ҳамда ҳурмат қилишга асосланадиган доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқасини белгилайди.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудуди учун ягона фуқаролик ўрнатади. Қорақалпоғистон Республикасининг фуқароси айна бир вақтда Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги, у қандай асосларда олинганлигидан қатъи назар, ҳамма учун тенгдир. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий маъқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдир.

Ўзбекистон Республикасида ҳар бир инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан маҳрум қилиниши, бундан ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно, ёки фуқароликни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси ўз органлари ва мансабдор шахслари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари олдида масъулдир, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эса давлат олдида масъулдир.

Ўзбекистон Республикаси ўз фуқароларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ҳудудидан ташқарида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тиклаш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотиш тўғрисидаги қарорлар Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролар тарзида қабул қилинади ва имзоланган кундан эътиборан кучга киради.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублик

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси ҳисобланади:

а) 1992 йил 28 июль ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикасида доимий яшаган, чет давлат фуқароси бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлиш истагини билдирган шахс;

(Давоми 2, 3-бетларда).



Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

б) Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва 1992 йил 28 июлга қадар ўқиш учун Ўзбекистондан ташқарига чиқиб кетган ҳамда узлуксиз равишда таълим олган ёҳуд ҳарбий хизматни ўтаган ва ўқиш ёки ҳарбий хизмат тугаганидан кейин бир йил ичида Ўзбекистонга қайтиб келган ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий пропискадан ўтган шахс, башарти унинг чет давлат фуқаролиги мавжуд бўлмаса;

в) ушбу Қонун кучга кирган кунда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга бўлган шахс;

г) ушбу Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олган шахс.

Ушбу модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган ҳолларда, Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш факти доимий пропискада турганлик тўғрисидаги белгитнинг мавжудлиги билан тасдикланади.

Тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, ариза берувчи ушбу фактларни суд тартибида аниқлаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш чоғида, ушбу модда биринчи қисмининг «а» ва «б» бандларида назарда тутилган ҳолларда, шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги билан боғлиқ ҳолатлар бошланган пайтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонун ҳужжатлари қўлланилади.

6-модда. Фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олиш
1995 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келган ва доимий пропискадан ўтган, чет давлат фуқаролигини қабул қилмаган ҳамда ушбу Қонун кучга киргунига қадар фуқаролиги бўлмаган шахсга Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси асосида яшаб турган шахс истак билдирган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади. Ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари деб тан олинган бола ушбу модданиннг биринчи қисмида кўрсатилган асосларга кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.
7-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатлар

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини кўрсатувчи бошқа ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Куйидагилар ўн олти ёшга тўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжатдир:
тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (боланинг тутилган жойидан қатъи назар) – ота-онасидан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги мавжудлигини кўрсатувчи паспорти ёки бошқа ҳужжати кўрсатилганда;
тутилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома (бола Ўзбекистон Республикасида туғилган тақдирда) – фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган ота-онанинг (ёлғиз отанинг ёки онанинг) Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси кўрсатилганда.

8-модда. Никоҳдан ўтишда ва уни бекор қилишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиш
Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр-хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди. Эр-хотиндан бирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги ўзгариши иккинчисининг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

9-модда. Хорижда яшовчи шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг сақлаб қолиниши
Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳдан ўтиши, шунингдек бундай никоҳнинг бекор қилиниши эр-хотиннинг фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.
10-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижда давлат томонидан ҳимоя қилиниши
Хорижда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг ҳимояси ва ҳомиёлиги остида бўлади. Ўзбекистон Республикаси ўз дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари чет давлатнинг қонун ҳужжатларида, Ўзбекистон Республикаси ва чет давлат иштирокчи бўлган халқаро шартномаларда ўзига берилган барча ҳуқуқлардан, халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган нормаларидан, халқаро урф-одатлардан тўлақонли фойдаланиш имкониятига эга бўлиши учун чоралар қўриши шарт. Ўзбекистон Республикасининг консуллик муассасалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси дипломатик ваколатхоналарининг консуллик бўлимлари (бундан бўён матнда консуллик муассасалари деб юритилади) ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича чоралар кўради.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижда яшаши Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилишига сабаб бўлмайди.

11-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросини чет давлатга топширишга йўл қўйилмаслиги
Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қойда назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг фуқароси чет давлатга топширилиши мумкин эмас.
12-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет давлат фуқаролигига мансублигини тан олмаслик
Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлат фуқаролигига мансублиги Ўзбекистон Республикасида тан олинмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш ёки фуқаролигини йўқотганлик тўғрисидаги қарори қабул қилингунига қадар бир вақтнинг ўзида чет давлат фуқаролигига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ёки жавобгарликдан озод этилиши мумкин эмас.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш
13-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиш асослари
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидаги ҳолларда олинади: тутилганлик бўйича; бола фарзандликка олинганда; Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш натижасида. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ва ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа асосларга кўра ҳам олиниши мумкин.

14-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини туғилганлик бўйича олиш

Бола ўзининг туғилган жойидан қатъи назар, агар туғилган пайтда:

а) ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлса;

б) унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлса ёки бедарак йўқолган деб топилган ёҳуд унинг турган жойи номаълум бўлса;

в) унинг ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлса, туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Ушбу модда биринчи қисмининг «в» бандида назарда тутилган ҳолда боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши фақат Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган ота-онасининг ёҳуд бошқа қонуний вакилларининг илтимосномасига (биноан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турган, ота-онаси номаълум бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаросидир.
Отаси ёҳуд онаси Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган болага оталик ёҳуд оналик белгиланган ёки тан олинган тақдирда, бола, туғилган жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади.

15-модда. Ота-онаси Ўзбекистон Республикаси фуқаролари бўлмаган боланинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туғилган, ота-онаси (ёлғиз отаси ёки онаси) у туғилган пайтда чет давлат фуқаролари бўлган ёҳуд ота-онасидан бири чет давлат фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола туғилганлик бўйича Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олмайди.
16-модда. Бола фарзандликка олинганда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиши
Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёҳуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади. Бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёҳуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади. Бири Ўзбекистон Республикаси фуқароси, бошқаси эса чет давлат фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинаётган, чет давлат фуқароси бўлган ёҳуд фуқаролиги бўлмаган шахс бўлган бола фарзандликка олувчиларнинг ўзаро келишувига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олади.

17-модда. Бола фарзандликка олинган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолиши
Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, Ўзбекистон Республикасида фарзандликка олинган бола Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини сақлаб қолади. Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, бири чет давлат фуқароси, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эр-хотин томонидан фарзандликка олинган болага фарзандликка олганларнинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга рухсат берилиши мумкин.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш ва уни тиклаш
18-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш турлари
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш: умумий тартибда; соддалаштирилган тартибда; алоҳида тартибда амалга оширилади.
19-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишнинг умумий тартиби чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар у: а) чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса; б) фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси олинган кундан эътиборан ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан мурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида узлуксиз беш йил давомида доимий яшаб қолаётган бўлса; в) тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлса; г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса; д) давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса. Давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ушбу модда биринчи қисмининг «б» бандида назарда тутилган шарт Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳда бўлган ва никоҳ тугалганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудида турмуш ўртоғи билан биргаликда узлуксиз уч йил давомида яшаб қолаётган фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди. Бунда, агар фуқаролиги бўлмаган шахс бир йил ичида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жами бир юз саксон уч кундан ортиқ бўлмаган муддатга чиққан бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшалган муддат узлуксиз деб ҳисобланади.

20-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби чет давлат фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандошга нисбатан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади, агар у: а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган лоақал битта ўзидан олдинги қариндошга эга бўлса; б) тирикчиликнинг қонуний манбаига эга бўлса; в) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса; г) давлат тилини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулоқот қилиш учун зарур даражада билса. Ушбу модда биринчи қисмининг «а» бандида назарда тутилган шарт илм-фан ва илмий фаолият, техника, маданият ҳамда спорт соҳасида катта ютуқларга эга бўлган, шунингдек Ўзбекстон Республикаси учун манфаатли касбга ёҳуд малакага эга бўлган ватандошга ва (ёки) унинг оила аъзоларига нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси материалларни кўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган шахсларга бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига тақлифлар киритади. Қабул қилинган қарор асосида шахсга Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тўғрисида қафолат хати берилади, агар ушбу шахс фуқароси бўлган давлат фуқаролигидан чиқадиган бўлса.

Қафолат хатининг амал қилиш муддати бир йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг қарорига биноан қафолат хатининг амал қилиш муддати яна бир йилга узайтирилиши мумкин.

Қафолат хати ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан ариза берувчига ёки унинг қонуний вакилига топширилади ёҳуд почта орқали юборилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига мувофиқ ариза берувчи чет давлат фуқаролигидан чиққанлиги ҳақида ҳужжат тақдим этганидан кейин амалга оширилади.

21-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига алоҳида тартибда қабул қилиш
Ўзбекистон Республикаси Президенти миллий манфаатлардан келиб чиқиб, чет давлатларнинг фуқароларига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ушбу Қонуннинг 19 ва 20-моддалари талаблари қўлланилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериши мумкин.

22-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш
Агар илгари Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахсининг фуқаролиги ушбу Қонун 25-моддаси биринчи қисмининг «а» ва «г» бандларига мувофиқ йўқотилган бўлмаса, у Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш тўғрисида илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Илтимосномада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигининг тугатилиш сабаблари кўрсатилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш тўғрисидаги илтимоснома бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ушбу Қонуннинг 19, 37 ва 38-моддаларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бир мартадан ортиқ тиклашга йўл қўйилмайди.

4-боб. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тугатиш
23-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тугатиш асослари
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидагилар оқибатида тугатилади: а) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш; б) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганлик.
24-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш ушбу Қонуннинг 37 ва 39-моддаларида белгиланган тартибда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги илтимосномасига асосан амалга оширилади.

25-модда. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотиш асослари
Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги қуйидаги ҳолларда йўқотилади: а) шахс чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги оқибатида; б) агар хорижда доимий яшовчи шахс етти йил мобайнида узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобига турмаган бўлса; в) агар Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш била туриб ёлгон маълумотлар ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида амалга оширилган бўлса; г) агар шахс чет давлатнинг фойдасини кўзлаб фаолият кўрсатган ҳолда ёки тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир этиш йўли билан жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказган бўлса; д) агар шахс ихтиёрий равишда чет давлатнинг фуқаролигини олган бўлса; е) агар шахс чет давлатнинг фуқаролигини туғилганлик бўйича ёҳуд чет давлат фуқароси бўлган отасининг ёки онасининг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган бўлса ва йигирма бир ёшга тўлгунига қадар чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирмаган бўлса. Шахсининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганини унинг эрининг (хотинининг) ва фарзандининг (болаларининг) фуқаролиги ўзгаришига сабаб бўлмайди.

26-модда. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлат ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирганлиги фактларини аниқлаш
Чет давлатнинг ҳарбий хизматига, хавфсизлик органларига, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи органларига, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига хизматга кирган шахсларни аниқлаш учун консуллик муассасалари манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг маълумотларини текширади, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг келиб тушаётган мурожаатларини ўрганади. Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган фактлар тасдиқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (бундан бўён матнда Ташқи ишлар вазирлиги деб юритилади) ҳулоса тайёрлайди ва уни материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига юборади.
27-модда. Хорижда доимий яшаётган ва доимий консуллик ҳисобига турмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини аниқлаш
Хорижда доимий яшаётган ва етти йил мобайнида доимий консуллик ҳисобига турмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини аниқлаш учун консуллик муассасалари: консуллик муассасасига шахсан мурожаат қилган шахсларнинг мурожаатларини ёҳуд консуллик муассасаларига Ташқи ишлар вазирлиги орқали келиб тушган маълумотларни текширади; шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги тўғрисидаги чет давлатнинг сўровномаларини ўрганади; ўз консуллик округларидаги мамлакатларда озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳисобини юритади; хорижга доимий яашагга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг (бундан бўён матнда Ички ишлар вазирлиги деб юритилади) ҳар чорақда берадиган сўровномаларига кўра доимий консуллик ҳисоби рўйхатлари бўйича текширади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган факт аниқланган тақдирда, Ташқи ишлар вазирлиги ҳулоса тайёрлайди ва уни материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига юборади. Хорижда доимий яшаётган ва етти йил мобайнида узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобига турмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси консуллик муассасасига доимий консуллик ҳисобига қўйиш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Консуллик муассасаси ариза берувчининг шахсини аниқлайди, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган шахсларнинг рўйхати билан солиштиради ва Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг доимий консуллик ҳисобига ўз вақтида турмаганлиги сабабларини ўрганади. Бунда ариза берувчига ушбу Қонун 25-моддасининг қоидалари тушунтирилади. Узрли сабаблар мавжуд бўлганда консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикаси фуқаросини доимий консуллик

ҳисобига қўйиш учун ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Касалик, яшаб турилган мамлакатда консуллик муассасаси мавжуд эмаслиги ва фуқарога боғлиқ бўлмаган бошқа сабаблар узрли сабаблар ҳисобланади.
Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг доимий консуллик ҳисобига қўйилганлиги тўғрисидаги ахборот Ташқи ишлар вазирлигига юборилади.

28-модда. Била туриб ёлгон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилинганлиги фактини аниқлаш
Била туриб ёлгон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги олинганлиги факти аниқланган тақдирда Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги материалларни Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига топширади. Била туриб ёлгон маълумотларни ёки сохта ҳужжатларни тақдим этиш натижасида Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги олинганлиги факти суднинг қонуний кучга кирган қарори билан белгиланади. Қарор чиқарган суд қарорнинг кўчирма нусхасини Ички ишлар вазирлигига ёки Ташқи ишлар вазирлигига юборади. Суднинг қарори асосида Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги ҳулоса тайёрлайди ва ҳулосани материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига юборади.

29-модда. Чет давлатнинг фойдасини кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатган ёҳуд тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят содир этган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказганлиги фактини аниқлаш
Чет давлатнинг фойдасини кўзлаган ҳолда фаолият кўрсатган ёҳуд тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноят содир этган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг жамият ҳамда давлат манфаатларига жиддий зарар етказганлиги факти суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан белгиланади. Ҳукм чиқарган суд ҳукмининг кўчирма нусхасини Ички ишлар вазирлигига юборади. Суднинг ҳукми асосида Ички ишлар вазирлиги ҳулоса тайёрлайди ва ҳулосани материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига юборади.

30-модда. Чет давлат фуқаролигини ихтиёрий равишда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини аниқлаш
Чет давлат фуқаролигини ихтиёрий равишда олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини аниқлаш учун ички ишлар органлари ва консуллик муассасалари манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идораларнинг маълумотларини текширади, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг келиб тушаётган мурожаатларини ўрганади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган факт аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ушбу Қонуннинг 25-моддаси қоидалари тушунтирилади. Бунда Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги ҳулоса тайёрлайди ва ҳулосани материаллар билан бирга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига юборади.

31-модда. Чет давлатнинг фуқаролигини туғилганлик бўйича ёҳуд чет давлат фуқароси бўлган отасининг ёки онасининг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини аниқлаш
Чет давлатнинг фуқаролигини туғилганлик бўйича ёҳуд чет давлат фуқароси бўлган отасининг ёки онасининг фуқаролиги асосида, вояга етмаган ёшида олган ва йигирма бир ёшга тўлгунига қадар чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирмаган Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини аниқлаш учун ички ишлар органлари ва консуллик муассасалари манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг маълумотларини текширади, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг келиб тушаётган мурожаатларини ўрганади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган факт аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикаси фуқаросига ёки унинг қонуний вакилига ушбу Қонуннинг 25-моддаси қоидалари тушунтирилади. Агар шахс йигирма бир ёшга тўлгунига қадар чет давлатнинг фуқаролигини тугатиш тўғрисида ахборот тақдим этмаса, Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи иш

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида

◄ (Давоми. Бошланиши 1, 2-бетларда).

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олади.

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган бўлса, бошқаси эса фуқаролиги бўлмаган шахс бўлиб қолаверса, Ўзбекистон Республикасдан ташқарида доимий яшаётган бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олаётган отанинг ёки онанинг илтимосномасига кўра Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини олиши мумкин.

35-модда.	Ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиққан тақдирда боланинг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолиши
------------------	--

Агар ота-онасидан бири Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқаётган бўлса, бошқаси эса Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлиб қолаверса, бола Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқаётган отасининг ёки онасининг илтимосномасига кўра, болага Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқишга Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини сақлаб қолган отасининг ёки онасининг ёзма розилиги мавжуд бўлган тақдирда рухсат берилиши мумкин.

36-модда.	Боланинг фуқаролигини ўзгартириш чоғида унинг розилигини олиш зарурлиги
------------------	--

Ота-онасининг фуқаролиги ўзгарганда ёки бола фарзандликка олинган тақдирда ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган боланинг фуқаролиги фақат унинг ёзма розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

6-60б.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш чоғида ҳужжатларни тайёрлаш тартиби
---------------	---

37-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимосномаларга доир умумий талаблар
------------------	---

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимоснома Ўзбекистон Республикаси Президенти номига ариза берувчи томонидан шахсан берилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаб турган шахс илтимосномани доимий яшаш жойидаги ички ишлар органига, хорижда яшаётган шахс эса консуллик муассасасига беради. Уэрили сабаблар мавжуд бўлганда (касаллик, консуллик муассасасининг мавжуд эмаслиги) нотариял тартибда тасдиқланган илтимоснома ишончли шахслар орқали берилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш тўғрисидаги илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар ариза берувчи томонидан уларнинг тузилиш санаси кўрсатилган ҳолда имзоланиши керак. Агар ариза берувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги оқибатида ёки бирон-бир бошқа сабабларга кўра илтимосномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг топишриғига кўра ўзга шахс ариза берувчи ва ички ишлар органининг мансабдор шахси ёхуд консуллик муассасасининг консуллик мансабдор шахси ҳозирлигида илтимосномани ёки бошқа ҳужжатни ариза берувчи ҳужжатни ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабабини кўрсатган ҳолда имзолаши мумкин. Бундай ҳолларда ички ишлар органининг мансабдор шахси ёки консуллик муассасасининг консуллик мансабдор шахси томонидан илтимосномага бу ҳақда ёзиб қўйилади.

38-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш ёки уни тиклаш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар
------------------	--

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига умумий тартибда қабул қилиш ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тиклаш тўғрисидаги илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

- сўровнома;
- паспорт ва (ёки) яшаш гувоҳномаси;
- ниҳоҳ тузилганлиги ёки ниҳоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- бола илтимосномада кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва агар мавжуд бўлса яшаш гувоҳномаси;
- тирикчиликнинг қонуний манбалари мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;
- давлат божи (консуллик йғими) тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига соддалаштирилган тартибда қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномага ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ҳужжатлардан ташқари қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчининг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган ва Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган ўзидан олдинги қариндошининг паспорти ёхуд манфаатдор вазирликнинг, давлат қўмитасининг ёки идоранинг илтимосномаси;

судланганлик ҳолати йўқлигини ёки мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига алоҳида тартибда қабул қилиш тўғрисидаги илтимосномага паспорт (яшаш гувоҳномаси) илова қилинади.

39-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигдан чиқиш тўғрисидаги илтимосномага илова қилинадиган ҳужжатлар
------------------	---

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигидан чиқиш тўғрисидаги илтимосномага қуйидагилар илова қилинади:

- сўровнома;
- паспорт;
- ниҳоҳ тузилганлиги ёки ниҳоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- бола илтимосномада кўрсатилган тақдирда, унинг туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномаси ва агар мавжуд бўлса паспорт;
- давлат божи (консуллик йғими) тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Агар Ўзбекистон Республикасида ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган эри (хотини), ота-онasi, шунингдек унинг қарамоғидаги шахслар доимий яшаса, ариза берувчи ушбу шахсларнинг ўзига нисбатан мулкий эътирозлари мавжуд эмаслиги ҳақидаги нотариял тартибда тасдиқланган аризаларни тақдим этиши шарт.

40-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ва ундан чиқиш масалаларига оид ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби
------------------	--

Илтимосномани қабул қилган ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини уч иш куни ичида текширади.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси ариза берувчидан қўшимча ҳужжатлар тақдим этишни талаб қилишга ёхуд зарур ахборотни бошқа давлат органларидан сўраб олишга ҳақли.

Илтимоснома ушбу Қонуннинг 37, 38 ва 39-моддаларида

кўрсатилган барча ҳужжатлар ариза берувчи томонидан тақдим этилган пайтдан эътиборан кўриб чиқиш учун қабул қилинган деб ҳисобланади.

7-60б.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш муддатлари ва кўриб чиқишни тугатиш асослари
---------------	---

41-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш муддатлари
------------------	---

Ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид ҳужжатлар рўйхатдан ўтказилгандан кейин ушбу Қонуннинг 52-моддасида белгиланган тартибда тузиладиган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид идоралараро маълумотлар базасига материалларни кўриб чиқиш тўғрисидаги талабномани уч иш куни ичида киритади.

Талабномани кўриб чиқиш, текширув ўтказиш ва ҳулоса тайёрлаш муддати бир ойни ташқил этади. Қўшимча ҳужжатлар ёки маълумотлар олиш зарур бўлганда талабномани кўриб чиқиш ва ҳулоса тайёрлаш муддати бир ойгача узайтирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни қабул қилган консуллик муассасаси уларни дипломатик почта бадвалини ҳисобга олган ҳолда Ташқи ишлар вазирлигига юборади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясига юбориш учун материалларни Ички ишлар вазирлиги ёки Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тайёрлаш муддати бир ойдан ошмаслиги керак.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишнинг умумий муддати талабнома Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид идоралараро маълумотлар базасига киритилган санадан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

42-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишни тугатиш
------------------	--

Қуйидаги ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишни тугатиш асослари ҳисобланади:

- а) шахснинг давлат олинда бажарилмаган мажбуриятлари ёки фуқаролар ёхуд давлат органлари ва бошқа ташкилотлар манфаатлари билан боғлиқ бўлган унинг мулкий мажбуриятлари мавжудлиги;
- б) шахснинг қидирувда эканлиги;
- в) агар шахс айбланувчи сифатида жиноий жавобгарликка тортилган, судланган ва жазони ўтаётган бўлса;
- г) шахсга нисбатан қонуний қучга кирган ва ижро этилиши лозим бўлган суд ҳукмининг мавжудлиги;
- д) билан туриб ёлгон маълумотлар ёки сохта ҳужжатлар тақдим этганлик;
- е) Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги манфаатларига зидлик;
- ж) шахснинг вафот этганлиги.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш тугатилганлиги тўғрисида ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси аризачини ёки унинг қонуний вакилини Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш тугатилганлиги сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма шахлда хабардор қилади.

Ушбу модда биринчи қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган ҳолатлар бартараф этилган тақдирда, шахс ички ишлар органига ёки консуллик муассасасига қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқиш тугатилган тақдирда тўланган давлат божи ёки консуллик йиғими қайтариб берилмайд.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича такрорий мурожаат Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни кўриб чиқишни тугатиш ҳақида қарор қабул қилганидан сўнг бир йил ўтгач ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан қабул қилинади. Ариза берувчига маълум бўлмаган ва маълум бўлиши мумкин бўлмаган янги ҳолатлар юзгага келган тақдирда, такрорий илтимоснома кўрсатилган муддатдан олдин ҳам кўриб чиқилиши мумкин.

8-60б.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш ва фуқаролигини тан олиш тартиби
---------------	--

43-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш
------------------	---

Шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш тўғрисидаги ариза унинг доимий яшаш жойидаги ички ишлар органига, хорижда доимий яшаётган шахс томонидан эса консуллик муассасасига берилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансубликни аниқлаш шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини аниқлаш тўғрисидаги ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Ариза берувчида унинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда ариза берувчига Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ёки Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги мавжудлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат берилади.

Ариза берувчида зарур ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда, шунингдек ариза берувчининг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублигига нисбатан шубҳа пайдо бўлганда ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси текширув ўтказиш учун тегишли давлат органларига сўровнома юборади. Текширув якунлари бўйича ҳулоса чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ушбу Қонун 5, 6, 13 – 16 ва 32 – 36-моддаларининг талаблари бузилган ҳолда олинганлиги факти аниқланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти ички ишлар органининг ҳулосасига асосан олиб қўйилади. Паспорти олиб қўйилаётган шахс мазкур ҳулосадан норози бўлган тақдирда, у ўзининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансублиги ёки мансуб эмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун судга мурожаат қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган ҳулосалар тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошликлари ёки вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликлари томонидан тасдиқланади.

44-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномаларни расмийлаштириш тартиби
------------------	---

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштириш ҳақидаги сўровнома доимий яшаш жойидаги ички ишлар органига, хорижда доимий яшаб турган шахс томонидан эса консуллик муассасасига топирилади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштириш тўғрисидаги сўровномага қуйидагилар илова қилинади:

туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома;

паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат;

давлат божи ёки консуллик йғими тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотномани расмийлаштириш ҳақидаги сўровномани ички ишлар органлари томонидан кўриб чиқишнинг умумий муддати Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид идоралараро маълумотлар базасига талабнома киритилган пайтдан эътиборан бир ойни

ташқил этади. Сўровномани кўриб чиқиш жараёнида шахснинг Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига мансублиги ёки мансуб эмаслиги текширилади. Кўриб чиқиш якунлари бўйича ички ишлар органи томонидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига мансуб эмаслик тўғрисидаги маълумотнома берилади.

45-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини тан олишни расмийлаштириш масалаларига оид материалларни тайёрлаш
------------------	---

Фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги ариза доимий яшаш жойидаги ички ишлар органига топирилади. Аризага қуйидагилар илова қлинади:

- сўровнома;
- фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси;
- ниҳоҳ тузилганлиги ёки ниҳоҳ бекор қилинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
- аризачининг фамилияси, исми ва отасининг исми тўғрисидаги ҳақидаги маълумотнома (ўзгаришлар мавжуд бўлса);

давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

Фуқаролиги бўлмаган шахсни Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олиш тўғрисидаги аризани ички ишлар органири томонидан кўриб чиқишнинг умумий муддати ариза топишрилган кундан эътиборан уч ойни ташқил этади.

Ушбу Қонуннинг 6-моддасида назарда тутилган ҳолатлар тасдиқланган тақдирда, фуқаролиги бўлмаган шахс тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармалари бошликлари ёки вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошликлари томонидан тасдиқланиб, Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳулосага асосан Ўзбекистон Республикасининг фуқароси деб тан олинади.

9-60б.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси
---------------	--

46-модда.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясини тузиш
------------------	--

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларини ҳал этишга доир конституциявий ваколатларини амалга ошириш мақсадида беш йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) тузилади.

Комиссия Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги маслаҳат-қўмаклашувчи органдир. Комиссия таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Комиссия раис, раис ўринбосари, котиб ва Комиссиянинг бошқа аъзоларидан таркиб топади.

Комиссиянинг раиси, раис ўринбосари ва бошқа аъзолари унинг ишда жамоатчилик асосида иштирок этади.

Комиссия мажлисида раис йўқ бўлган тақдирда унинг вазифалари раис ўринбосарининг зиммасига оқиятлилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик масалалари комиссиясининг регламенти Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

47-модда.	Комиссиянинг асосий вазифалари
------------------	---------------------------------------

Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги масалаларига оид илтимосномаларни кўриб чиқиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига фуқаролик масалалари юзасидан таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган фуқаролик масалаларига оид қарорларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ихросини таҳлил қилиш, Ўзбекистон Республикаси Президентига мазкур йўналишда аниқланган муаммоларни бартараф этишга қаратилган таклифлар киритиш;

фуқаролик масалалари бўйича халқаро амалиётни ва илғор хорижий тажрибани ўрганиш.

48-модда.	Комиссиянинг ҳуқуқлари
------------------	-------------------------------

Комиссия ўз зиммасига оқиятлиган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

юритувида турган иш юзасидан тегишли давлат органларидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича қўшимча ҳужжатлар ва материалларни талаб қилиб олиш;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда иштирок этиш, тегишли таклифларни Ўзбекистон Республикасининг Президентига киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалалари юзасидан зарур бўлган қўшимча ахборот олиш учун ўз мажлисларига давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларини таклиф этиш.

Комиссия Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид илтимосномаларни кўриб чиқишни тугатиш тўғрисида ушбу Қонун 42-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асосларга кўра қарор қабул қилади.

49-модда.	Комиссиянинг ишшни ташқил этиш ва қарорларни қабул қилиш тартиби
------------------	---

Комиссиянинг заруратга қараб, лекин бир ойда камида икки марта ўтказиладиган мажлислари Комиссия ишининг ташкилий шаклидир.

Комиссиянинг мажлислари унинг аъзолари умумий сонининг камида ундан икки қисми ҳозир бўлганда ваколатлидир.

Комиссия мажлисларида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори иштирок этиши ҳамда муҳокама этиладиган масалалар юзасидан маъруза қилиши мумкин.

Комиссия қарори мажлисда ҳозир бўлган Комиссия аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Комиссия аъзоларининг овозлари тенг бўлиб қолганда раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Комиссия қарори баённома билан расмийлаштирилади ва унинг мажлисида иштирок этган барча аъзолари томонидан имзоланади.

Комиссияга кўриб чиқиш учун киритилгандагн Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид материалларни дастлабки тарзда ишлаб чиқиш ва тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг тегишли таркибий бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

10-60б.	Яқунловчи қоидалар
----------------	---------------------------

50-модда.	Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги масалаларига оид қарорларни қабул этувчи органлар
------------------	---

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи шахсларга нисбатан фуқаролик масалаларига оид қарорларни ижро этиш Ички ишлар вазирлиги ва унинг тегишли бўлинмалари зиммасига, хорижда яшайдиган шахсларга нисбатан эса Ташқи ишлар вазирлиги ва тегишли консуллик муассасалари зиммасига оқиятлилади.

Ўзига нисбатан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш, уни тиклаш ёки ундан чиқиш бўйича қарор қабул қилинган шахс бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик масалаларига оид қарори қучга кирган кундан эътиборан ўн беш кунлик муддатда ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан хабардор қилинади.

51-модда.	Фуқаролик тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш якунлари бўйича берилиши лозим бўлган ҳужжатлар
------------------	--

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини ушбу Қонунда белг

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

қурилиш соҳасида ўтказиладиган давлат харидларида **электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар** (иш тажрибаси, молиявий барқарорлиги, штатида малакали ходимларнинг мавжудлиги ва бошқа мезонлар) **бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган** лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг иштирок этишига йўл қўйилади;

давлат харидларида **иштирок этиш учун рухсат беришда** электрон рейтингларга киритилган ва тегишли мезонлар бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг **дастлабки малакавий баҳолашдан ўтиши, шунингдек, танлов (тендер) ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этиши талаб этилмайди**;

давлат буюртмачилари ва давлат харид субъектлари маблаглари ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари **комплекс экспертиза ўтказиш учун белгиланган мuddатдагида энергия самарадорлиги талабларига мувофиқлиги бўйича мажбурий тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт**;

қурилиш соҳасидagi давлат харидлари доирасида харид тартиб-таомилларида **ғолиб, деб топишган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ишлар (хизматлар) нархининг камида ўттиз фоизини ўз кучи билан бажариши бўйича талаб жорий этилади**.

2. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг **Тошкент шаҳрида хусусий тадбиркорлик субъектларини буюртмачи функциясини бажаришга жалб қилиш бўйича экспертмент** (кейинги ўринларда — **экспертмент**) **ўтказиш тўғрисидаги** қўйидагиларни назарда тутуви тақлидига розилик берилсин:

Тошкент шаҳрида 2021-2022 йилларда лойиҳалаштирилиши ва қурилиши режалаштирилган 10 та қурилиш объектини танлаб олиш; энг яхши тақлифларни танлаб олиш натижаларига кўра хусусий тадбиркорлик субъектлари билан инжиниринг хизматларини кўрсатиш (шу жумладан, техник назорат ва лойиҳа бошқаруви) юзасидан шартномалар имзолаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан экспертментда иштирок этувчи қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектлари рўйхатининг тасдиқланishi.

Белгиллаб қўйилсинки, экспертмент танлаб олинган объектларнинг қурилиш-монтаж ишлари аяқунлаиб, улар фойдаланишга топширилгунинга қадар амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қoшида давлат муассасаси шаклида **Қурилишда техник меъёрлаш маркази** (кейинги ўринларда — **Марказ**) ташкил этилсин.

4. Қўйидагилар Марказнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

қурилишда меъёрлаш тизимидаги ва инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоларни ўрганиб бориш;

қурилиш соҳасидаги халқаро нормалар, қоидалар ва стандартларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида миллий норматив ҳужжатларни улар билан уйғунлаштириш;

бинолар, иншоотлар ва техникни алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талабларини, шунингдек, бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

норматив, шу жумладан, хорижий ҳужжатларнинг илмий-техник кутубхонаси ва электрон базасини ташкил қилиш ва юритиш;

хорижий ва халқаро ташкилотлар, консултантлар ва мутахассислар билан ҳамкорлик қилиш ҳамда уларни миллий норматив ҳужжатлар базасини тақомиллаштиришга жалб қилиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги қoшидаги Қурилишда техник меъёрлаш марказининг бошқарув ходимлари чекланган сонни 20 нафардан иборат тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгиллаб қўйилсинки:

Марказ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблаглари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жағмармаси, ХМИ/ХХМТнинг техник кўмак маблаглари (грантлари) ва қонун ҳужжатларида таққиланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

Марказ штат бирликлари тегишли вазирлик ва идораларнинг бошқарув ходимларини 2020 йилда мақбуллаштириш ҳисобидан жамланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги икки ой мuddатда 2020 — 2023 йилларда шахарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишга қайта қўриб чиқиш дастурини (кейинги ўринларда — **Дастур**) тасдиқласин.

Белгилансинки, Дастурни амалга ошириш доирасида:

миллий норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қайта қўриб чиқиш ва тақомиллаштириш қурилиш соҳасида тажрибага эга бўлган хорижий компанияларни жалб этган ҳолда амалга оширилади;

тармок вазирликлари ва идоралари ишлаб чиқилган ва қайта қўриб чиқилган норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни

тасдиқлашдан олдин уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига келишиш учун мажбурий тартибда киритилишини таъминлайди;

тегишли вазирлик ва идораларга ажратиладиган бюджет маблаглари ва қонунчиликда таққиланмаган бошқа маблаглар норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш ишларининг молиялаштириш манбалари ҳисобланади.

7. Шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир норматив ҳужжатларни ислох қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш (кейинги ўринларда — **Мувофиқлаштирувчи кенгаш**) 3-иловага мувофиқ ташкил этилсин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш (А. Раматов);

вазирлик ва идораларнинг норматив, шу жумладан, идоравий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш фаолияти мувофиқлаштирилишини;

вазирлик ва идораларнинг норматив ҳужжатлар, шу жумладан, техник топшириқлар ва танлов ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда қайта қўриб чиқиш бўйича йиллик ва узоқ мuddатли дастурлари келишилиши ва уларнинг ихроси устидан тизимли мониторинг ўрнатилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ой мuddатда қурилиш тармоғини ислох қилиш, шу жумладан, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш бўйича ишларни самарали ташкил этиш мақсадида халқаро экспертлар ва консултантларни жалб этишда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

2020 йилда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш, шунингдек, халқаро экспертлар ва консултантлар хизматлари тўловини амалга ошириш учун бир ой мuddатда **Қурилиш вазирлигига** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жағмармаси маблаглари ҳисобидан **15 миллирд сўм ажратилишини** таъминласин;

2021 — 2023 йиллар учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларини ишлаб чиқишда миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш учун зарур бўлган маблагларни ажратишини назарда тутсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Қурилиш вазирлиги уч ой мuddатда илгор хорижий тажриба асосида, бажарилаётган қурилиш-монтаж ишларининг турлари ва бошқа мезонларга қараб минимал талабларни табақалаштирган ҳолда қурилиш соҳасида меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигига оид меъёрларни тақомиллаштириш бўйича таққилларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қурилиш вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой мuddатда илгор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда, қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил қилиш ва ўтказиш тартибинин, шу жумладан, лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва муқаммал таъмирлашда харид ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича талабларни тақомиллаштиришга доир таққилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар халқаро молия институтларини жалб этган ҳолда қўйидагилар ишлаб чиқилишини таъминласин: Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳасини модернизациялаш, жадал ва инновацион ривожлантиришининг 2020 — 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси;

шаҳарсозлик фаолияти соҳасида техник жиҳатдан тартибга солишга доир миллий норматив ҳужжатларга номуаносиб бўлган қисмлар учун компенсацияловчи чораларни таъминлаш бўйича махсус техник шартларни келишиш ва тасдиқлаш тартибинин; “fast-track” усули (бир вақтнинг ўзидa лойиҳалаштириш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) билан “тартиб ҳолда топшириш” шартлари (Engineering Procurement Construction) асосида объектларни қуришга рухсат бериш тартибинин;

б) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамасига қўйидаги ҳужжат қарорлари лойиҳаларини киритсин:

икки ой мuddатда — экспертментда иштирок этаётган қурилиш объектлари ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тасдиқлаш ҳақида;

экспертмент натижасидан келиб чиқиб ҳамда илгор хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда — марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган ва буюртмачи функциясини хусусий тадбиркорлик субъектлари бажарадиган объектлар қурилишини ташкил қилиш ва молиялаштириш, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирлик ва идоралар қoшидаги қурилиш, реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш бўйича буюртмачи хизматлари фаолиятини ислох қилиш ҳақида;

в) Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан биргаликда кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда 2020 йил 1 майга қадар **қўп квартиралы уйларни улуш киритиш асосида қуриш**

жараёнини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, бунда қуйидаги талабларни ўрнатиш назарда тутилсин:

улуш киритиш асосида уй-жойларни қуриш учун маблагларни жалб этишдан аввал келишилган лойиҳа-смета ҳужжатларининг мавжуд бўлиши, қурувчи ташкилотнинг банк ҳисоб рақамларида жамланадиган улуш қўшганларнинг маблагларидан мақсадсиз фойдаланишини чеклаб қўйиш;

қурилишда улуш киритиш асосида иштирок этиш бўйича шартномаларни мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва улуш киритиш асосида қурилишда иштирок этиш учун маблагларни жалб этувчи қурилиш ташкилотларининг ағона реестрини юритиш;

г) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмаси билан биргаликда 2020 йил 1 майга қадар **касбга мувофиқлик сертификатлари берилишини таъминлаган ҳолда қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича киска мuddатли ўқув курсларини ташкил этсин**;

д) Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини яратиш доирасида:

2020 йил 1 апрелга қадар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини шакллантириш учун зарур бўлган маълумотлар рўйхатини аниқласин ҳамда уларни вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига тақдим этиш тартиби белгилансин;

электрон рейтингларни жорий этиш учун ўрнатилган мuddатларда “Шафдоф қурилиш” миллий ахборот тизими билан интеграциялашган ҳолда зарур дастурий таъминотини ишлаб чиқсин;

е) Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш бўйича таққилларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ж) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таққиллар киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгаришлар киритилсин.

13. Маъзур Фармоннинг ихросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов — маъзур Фармоннинг сифатли, ўйлиқ ва ўз вақтида ихро этилишини таъминласин, норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш учун масъул бўлган вазирлиқлар, идоралар ва ташкилотларнинг фаолиятини самарали ташкил қилсин ҳамда мувофиқлаштирсин, ҳар ойда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини қабул қилсин ва аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этсин;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодиёт ва саноат вазири Ж. А. Қўчқоров — қурилиш соҳасида харид тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибларига илгор хорижий тажрибанинг жорий қилинишини, шунингдек, миллий норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қайта қўриб чиқиш учун зарур маблаглар ажратилишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б. И. Закиров — лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари, идоравий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда қурилиш соҳасида меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги меъёрларини тақомиллаштириш юзасидан зарур чораларни кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Ш. С. Хидоятлов — барча миллий норматив ҳужжатларнинг босқичма-босқич ва сифатли ишлаб чиқилиши ва қайта қўриб чиқилишини, қурилиш соҳасига, шу жумладан, харид тартиб-таомилларига илгор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини таъминласин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А. К. Қўчонов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А. Д. Хаджаев — маъзур Фармоннинг маъмуноҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид брифинглар, пресс-конференциялар ташкил этиб, мақолалар ва тематик телекўрсатувлар эълон қилсин.

Ўзбекистон Республикаси	Ш. МИРЗИЁЕВ
Президенти	
Тошкент шаҳри, 2020 йил 13 март	

маҳсули бўлган “Офатижон лағзи” номли китобида Хоразм рақс санъати тарихи ҳамда унинг анъаналарини атрофича ёритишга ҳаракат қилдим. Бундан бунён ҳам миллий рақс санъатимизни янада ривожлантириш, жаҳон сахналарига кенг тарғиб этиш ва келахак авлодларга етказиш йўлида биз, кекса авлод санъаткорлар бор билим ва тажрибамизни аямаймиз.

Хамидхон АБДУЛЛАЕВ, Хива шаҳридаги “Хива ёдгорлиги” МЧЖ раҳбари:

— Реставратор уста сифатида иш бoшлаганимга қарийб 40 йил тўлди. Утган йиллар мобайнида қўллаб шоғирдлар тарбияладим, Хивадаги ўнлаб тарихий обидаларни қайта тиклаш жараёнларида қатнашдим. Бугунги кунда 9 нафар устага бош бўлиб, “Ичан қалъа”даги реставрация ишларида фаол иштирок этиб келямман.

Сўнгги йилларда Хивада тарихий ва маданий мерос объектларини қайта тиклаш, уларнинг аслиятини сақлаб қолган ҳолда таъмирлаш бўйича кенг қўлмали ишлар олиб бoрилмоқда. Аммо тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлашнинг ҳақиқий усталарини тайёрлаш, уларнинг малакаси ҳамда маҳоратини мунтазам ошириб бoриш соҳадаги долзарб муаммолардан бири бўлиб келаётган эди.

Президентимиз Хивага ташрифи чоғида Амир Тўра мадрасасидаги таъмирлаш ва қайта тиклаш ишлари билан танишиб, шу жойда республика реставрация мактабини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Бу биз каби соҳа мутахассисларининг аини дилидаги гап бўлди. Хивада тарихий ёдгорликлар реставрацияси бўйича бой тажриба тўпланган, қўлгул усталар ўз хўнарларини “Устоз — шоғирд” усулида авлоддан-авлода мерос қилиб қолдиришган. Ана шундай устозодлар авлоди ҳозир ҳам бор. Улар тарихий обидаларни тиклаш ва таъмирлашнинг сир-асрорларини яхши билишди. Бу мактабда барча ҳудуддаги турли йўналишда ишловчи усталар тўпланиб, фикр алмашсак, шоғирдлар тайёрласак, фаолиятимиз янада ривож топади.

«Халқ сўзи».

Халқ сўзи

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ВАКИЛ АХБОРОТ БЕРДИ

Кеча парламент қўйи палатасида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакилнинг 2020 йилда режалаштирилган фаолиятига бағишланган анжуман ўтказилди.

Унда Бола ҳуқуқлари бўйича вакил А. Юнусова маъзур масала юзасидан ахборот берди. Таъкидланганидек, бола ҳуқуқларини таъминлаш, улар манфаатини ҳимоя қилиш масаласига Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинаётгани бежиз эмас. Зеро, бугун юртимиз аҳолисининг 40 фоизидан ортигини 18 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Қолаверса, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасидаги 70 дан ортиқ халқаро шартномаларга аъзо бўлган давлатдир. Масалан, Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ратификация қилган илк ҳужжатлардан бири саналади.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Парламент томонидан қўп қонунлар қабул қилинган ҳамда қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда.

Айтиш лозимки, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Парламент томонидан қўп қонунлар қабул қилинган ҳамда қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш жараёни давом эттирилмоқда.

Этим, ота-оналар қаровисиз қолган ёки ҳаётида мураккаб вазиятга тушиб қолган бошқа тоифадаги болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаси эса вакил фаолиятида етакчилик қилади. Шунингдек, давлат сиёсати асосий йўналишларини, бола ҳуқуқлари бўйича вакил олдида турган вазифаларни бажаришда бола ҳуқуқларида рияоз этилишини мониторинг қилиш унинг фаолиятида муҳим ҳисобланади.

Анжуманда жорий йилда амалга оширилиши кўзда тутилган муҳим вазифалар ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди.

Бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, давлат ва бошқа органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Президентимизнинг “Бола ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ўринбосари — Бола ҳуқуқлари бўйича вакил лавозимини жорий этилди.

Вакилнинг фаолияти сифатида бола ҳуқуқлари, эр-

журналистларга батафсил маълумот берилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЎЗИНИ ЎЗИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР ИСТИҚБОЛИ ҚАНДАЙ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг Хусусийлаштириш, рақобатни ривожлантириш ва корпоратив бошқаруви ўрганиш маркази билан биргаликда “Ўзбекистонда ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотлар: қонунчилик асослари яратилиши ва истиқболлари” мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда бугун Ўзбекистонда мамлакат иқтисодий ривожланишининг янги босқичида иқтисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, рақобатбардош бозор иқтисодиётига ўтишни жалдаллаштириш ва давлат активларини бошқаришда бозор таъмоилларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шунга асосан, Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”-ги Фармони билан 2019—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг таркибий ўзгариштирилган инсоний асосий йўналишлари “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унга мувофиқ, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қаматириш ва унинг иқтисодий фаолиятини оптималлаштириш мақсадида қонунчилик базасини яратиш орқали давлат томонидан тартибга солиниши қисқартириш чоралари қўйилди.

Шу муносабат билан ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларни ривожланти-

риш алоҳида аҳамиятга эга. Бундай ташкилотларнинг ташкил этилиши, шунингдек, давлат ва тадбиркорлар ўртасидаги иجتимоий шериклик ролининг ортishi иқтисодий соҳада давлат бошқарувининг ўзига хос хусусиятидир.

Ўзбекистон Республикасида ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларни ташкил қилишнинг концептуал асослари тўғрисида гап кетар экан, ҳар бир мамлакатда бундай ташкилотларнинг таркиби, функциялари, ваколатлари турлиқан экани қайд этилди. Ўз навбатида, мамлакатимизда бу каби ташкилотлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича ишлаб чиқилган концептуал қоидалар айтиб ўтилди. Хусусан, яқин келажақда “Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш зарурати мавжудлиги таъкидланди.

Давра суҳбатида мутахассис ва экспертлар томонидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

ХАЛҚ МАНФААТЛАРИГА ҚАРАТИЛГАН ЭЗГУ ТАШАББУСЛАР Хоразм аҳлини янги марралар сари руҳлантирмоқда

➡1 **Рашид АБДУЛЛАЕВ, Янгиарик туманидаги “Хоразм пилла холдинги” МЧЖ таъсисчиси:**

— Утган йили Янгиарик туманида эски пиллахона ўрнида замонавий жиҳозланган, кластер усулида ишловчи корхонани ташкил қилгандик. Лойиҳанинг биринчи босқичида 1.3 миллион доллар маблаг эвазига пиллани қайта ишлайдиган 2 та линия барпо этилди. Айни пайтда бу ерда пилладан хом ипак, ипак момиги тайёрланапти. Шунингдек, 50 та замонавий дастгоҳда ипак гилам тўқилади. Корхонамизда иш икки сменадa ташкил этилган. 200 нафар доимий, 1800 нафар мавсумий ишчи, асосан, ёшлар ва хотин-қизлар меҳнат қилмоқда. Уларнинг савий-ҳаракати билан жорий йилда 1 миллион 159 минг долларлик маҳсулотимизни хориж б

ДОИМИЙ МОНИТОРИНГ ОЛИБ БОРИЛАДИ

Ташкидланганидек, бу йўналишда мамлакатимизда кенг қўламли ишлар олиб бориляпти. Бироқ ушбу фаолиятни мувофиқлаштирувчи ягона тизим мавжуд эмас, бу борада эришилган натижаларни баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилмаган, қолаверса, самарали назорат йўқ. Шу боис мазкур фаолиятни такомиллаштириш талаб этилади. Ана шуларни инобатга олиб ва Сенатнинг Ҳаракатлар дастури мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб, Президентимизнинг беш муҳим ташаббусини амалиётга жорий этиш самарадорлигини ошириш концепцияси ва унда белгиланган вазифаларни ба-жариш бўйича 2020 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилди.

Концепцияда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга ва уларни мувофиқлаштиришга қатор вазирлик ҳамда идоралар масъул этиб белгиланмоқда. Улар орасида беш муҳим ташаббуснинг ҳар бир йўналиши бўйича Республика қўриқ-танловларини ўтказиш назарда тутилган.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан биргаликда икки ой муддатда ҳар бир ҳудуд бўйича уюшмаган ёшларнинг рўйхатини шакллантириб, маълумотлар базасини яратиши ҳамда беш муҳим ташаббуснинг ҳар бир йўналиши-га масъул ҳисобланган вазирлик, идораларга такдим этиши лозим бўлади. Олий Мажлис Сенатининг барча қўмиталари зиммасига маҳаллий Кенгашлар билан биргаликда концепцияда ҳамда дастурда белгиланган вазифалар ижросини на-зорат қилиб бориш, шунингдек, ушбу йўналишда амалга ошири-лаётган ишлар танқидий ўрганили-

шини, зарур ҳолларда амалий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш вазифалари юклатилди. Бундан ташқари, ҳар бир йўналиш бўйича тегишли вазирликларнинг ҳисобот-ларини Сенатнинг ялпи мажлисла-рида эшитиб бориш амалиётини йўлга қўйиш лозимлиги қайд этилди. Шунингдек, Кенгаш мажлисида Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бораси-да амалга оширилган ишларни ўрганиш яқунлари кўриб чиқил-ди.

Ташкидланганидек, Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият ва-киллик органлари фаолиятини ку-चाйтиришга қўмаклашувчи комиссия-сининг таклифига кўра, Олий Маж-лис Сенатининг навбатдаги ялпи мажлисида Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожланти-риш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти самарадор-лигини ошириш борасидаги ишлар ҳақида Самарқанд вилояти ҳокими-нинг ҳисоботини эшитиш режа-лаштирилган.

Ушбу масала доирасида ишчи гуруҳ томонидан жорий йилнинг 2 — 7 март кунлари Самарқанд ви-лоятини ижтимоий-иқтисодий ри-вожлантириш борасида қилинган ишлар ўрганилди. Унинг яқунлари Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият ва-киллик органлари фаолиятини ку-चाйтиришга қўмаклашувчи комис-сияси томонидан халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашида бир-галикда кўриб чиқилиши ҳамда аниқланган муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирлари ва “Йўл хариталари” ишлаб чиқилиши на-зарда тутилган. Сенатнинг ялпи мажлисида эса Самарқанд вилоя-тининг ижтимоий-иқтисодий ривож-ланиши билан боғлиқ республика даражасида ҳал этиладиган масала

тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида муҳокама қилиниши мўлжалланган. Шу тариқа Сенат фаолиятида янги амалиёт жорий этилади.

Сенат Кенгаши мажлисида ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг турмуш шароитларини яхшилаш ва бу борадаги мавжуд му-аммоларни ҳал этиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг ҳолати тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларнинг турмуш шароитларини ҳамда мавжуд муаммоларини ўрга-ниш мақсадида Олий Мажлис Сенати Ўзбекистон Касаба уюшма-лари Федерацияси билан ҳамкор-ликда Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Бухоро ҳамда Хоразм вилоятлари ҳокимликлари иштирокида ҳар бир туман (шаҳар) бўйича оғир ижтимоий ахволдаги хотин-қизларнинг ҳаётини энгил-лаштириш юзасидан манзилли “Йўл хариталари” ишлаб чиқанлиги ва тасдиқлаганлиги таъкидланди.

Мажлисида хотин-қизларнинг му-аммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича Сирдарё тажрибасини Қора-қалпоғистон Республикаси, Анди-жон, Наманган, Сурхондарё, Тош-кент, Фарғона вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида оммалаштириш чораларини кўриш лозимлиги қайд этилди. Бундан ташқари, бу борада парламент ва депутатлар назора-тини ўрнатиш зарурлиги ҳам айтиб ўтилди.

Сенат Кенгаши мажлисида Ўзе-бекистон Республикасининг айрим давлатлардаги эчлиларини тайин-лаш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча маса-лалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

62 МИЛЛИОН СЎМЛИК ЗАРАР ҚОПЛАНДИ

Ҳар бир халқ вакили ўз ҳудудида яшаётган аҳоли муаммоларини ечишда фаол иштирок этиши, одамларнинг дарду ташвишларини тинглаши керак. Бу давлатимиз раҳбарининг Сенатнинг биринчи мажлисида эътибор қаратган асосий вазифалардан биридир.

Шундан келиб чиққан ҳолда, юқори палата вакиллари аҳоли би-лан мулоқотни янада кучайтириб, одамларни қўйнаятган масалалар-ни ҳал қилишда бевосита иштирок этмоқда. Жумладан, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадовев Сенатга Бухоро вилоятидан келиб тушган мурожаатларни жойида ҳал қилиш мақсадида ушбу вилоят ҳокимлигида ҳудуд мутасад-дилари билан биргаликда сайёр қабул ўтказди.

Фуқаролар билан мулоқот да-вомида уларнинг акасарияти томо-нидан қўрилган масалаларга се-натор аралашуви орқали ечим то-пилди. Хусусан, Бухоро шаҳрида фаолият юритувчи тадбиркор Зайнаб Сафарованинг бир йиллик сарсонгарчиликлари якунига етди.

Гап шундаки, ишбилармон аёл турмуш ўртоғи билан биргаликда оилави ҳизнеси йўлга қўйиб, ус-тахона ҳамда савдо дўконини юри-тар эди ва бу уларнинг асосий да-ромад манбаи бўлган.

Давлат эҳтиёжлари учун ер зар-ур бўлганида иккала иморат бу-зилди, лекин оилави тадбиркор-ларга компенсация тўловлари берилмади. Шу боис Зайнаб Сафарова вилоятдаги давлат идо-раларига бир неча бор мурожаат қилди. Охир-оқибат аёл Олий Мажлис Сенатига мурожаат қил-ганидан сўнггина сенатор ёрдами билан масала ҳал бўлди. Етказил-ган 62 миллион сўмлик зарар вилоят ҳокимининг 2020 йил 6 мартдаги қарорига асосан қоплаб берилди.

Шунингдек, сайёр қабул даво-мида фуқароларнинг бошқа

қатор муаммолари ҳам ўз ечими-ни топди.

Қабул давомида Шофиркон ту-манида сенатор иштирокида “Аҳоли билан мулоқот: депутат-лик масъулияти” мавзусида учра-шув ўтказилди. Унда халқ депу-татлари Шофиркон тумани Кен-гаши депутатлари, мутасадди таш-килот вакиллари иштирок этди.

Унда маҳаллада ечимини кута-ётган масалалар юзасидан, жумла-дан, кўча ва йўллари таъмирлаш, электр энергияси ҳамда ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш, мактабларда ўқувчилар учун зарур шароитлар яратиш, аҳоли, айниқ-са, ёшлар бандлигини таъминлаш масалаларига эътибор қаратилиб, ногиронлиги бўлган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар билан мулоқот ўтказилди.

Хусусан, муаммоларни ўрганиш давомида “Обод маҳалла” дасту-рига қиритилган Чандир қишло-лда янги қазилган қудуқнинг чу-қурлиги 250 метр бўлиб, ичимлик суви истеъмол қилиш учун ярқо-қ, деб топилган. Лекин ҳозирги кунда трансформатор қурилмаган-лиги, насос ўрнатилмаганлиги са-бабли аҳоли ичимлик сувидан фойдалана олмаяпти.

Мутасадди ташкилот вакиллари томонидан фуқаролар мурожаатла-ри атрофича ўрганилиб, уларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб қайтарилиб, мазкур му-аммоларни ўз вақтида ва жойида ҳал этиш бўйича вазифалар бел-гилаб олинди.

Мунисхон КАРИМОВА («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари диққатига!

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

2019/2020 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистрларни ишга тақсимлашга киришганлигини маълум қилади.

Жорий йилда институтни тамомлаётган битирувчиларга турли корхона ва ташкилотлардан буюртмалар мавжуд. Битирувчиларни ишга тақсимлашда юқори малакали мутахассисларга эҳтиёжи бор корхоналарнинг талабларини қондириш ҳамда битирувчиларга тақсимот жараёнида танлаш имкониятини кенгайтириш мақсадида институт томонидан буюртмалар қабул қилиш давом этмоқда. Институтни тамомлаётган кадрларга эҳтиёжи мавжуд корхона раҳбарлари талаб-нома ва сўров хати билан институт ректоратига мурожаат этишлари мумкин. Талабномада буюртмачининг реқвизитлари (почта манзили, телефон) ҳамда таклиф қилинаётган лавозим тўғрисидаги маълумотлар тўлиқ кўрсатилиши лозим.

Шунингдек, битирувчилар билан суҳбат ўтказиш, танлаб олиш ва шартномаларни расмийлаштириш учун 2020 йил 27 март куни институтда ўтказиладиган «Карьера куни» меҳнат ярмаркаси тадбирларига таклиф этамиз.

Эътиборингизга бакалавр йўналишлари ҳамда магистратура мутахассисликлари бўйича қуйидаги маълумотларни илова қиламиз:

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИ

2019/2020 ўқув йилида БИТИРУВЧИЛАР ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

Т/р	Йўналиш шифри	Таълим йўналишлари ва мутахассисликлари номи	Битирувчи-ларнинг умумий сони	шу жум-ладан		Республика вилоятлари бўйича										Жиззах вилояти шаҳар ва туманлари бўйича																
				жами	грант	Кашқадарё	Навоий	Наманган	Самарқанд	Сирдарё	Сурхон-дарё	Тошкент вилояти	Фарғона	Хоразм	Тошкент шаҳри	Жиззах	Жиззах шаҳри	Шароф Рашидов тумани	Арносай тумани	Бахмал тумани	Дўстлик тумани	Фалғорол тумани	Заробор тумани	Зафаробод тумани	Зомин тумани	Мирзачўл тумани	Пахтакор тумани	Фориш тумани	Янгибод тумани			
БАКАЛАВРИАТ																																
1.	5111000	Касб таълими (Иқтисодиёт)	26	1	25																											
	5111000	Касб таълими (Информатика ва ахборот технологиялари)	23	3	20																											
3.	5230200	Менеджмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	30	6	24																											
4.	5310200	Электр энергетикаси	102	29	73																											
5.	5310600	Ер усти транспорт тизимлари ва уларнинг эксплуатацияси	100	25	75																											
6.	5310700	Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари	68	25	43																											
7.	5310800	Электроника ва асбобсозлик	26	10	16																											
8.	5310900	Метрология стандартлаштириш ва махсулот сифати менежменти	70	24	46																											
9.	5320400	Кимевий технология	93	40	53																											
10.	5320900	Энгил саноат буюмлари конструкциясини ишлаш ва технологияси	128	49	79																											
11.	5340200	Бино ва иншоотлар қурилиши	124	38	86																											
12.	5340400	Муҳандислик-коммуникация қурилиши ва монтажи	86	38	48																											
13.	5340500	Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкция-ларини ишлаб чиқариш	87	36	51																											
14.	5340600	Транспорт иншоотлари эксплуатацияси	44	14	30																											
15.	5340800	Автомобиль йўллари ва аэродромлар	55	14	41																											
16.	5350700	Радиоэлектрон қурилмалар ва тизимлар	43	10	33																											
17.	5410500	Қишлоқ хўжалик маҳсулот-ларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси	40	15	25																											
18.	5610100	Хизматлар соҳаси (Автомобиль транспорти)	27	5	22																											
19.	5610100	Хизматлар соҳаси (Уй-жой, коммунал ва маиший хизматлар)	28	4	24																											
20.	5620100	Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси	78	5	73																											
21.	5630100	Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси	22	5	17																											
Жами:			1300	396	904	1	1	17	14	60	1	146	52	14	20	12	18	3	941	239	157	11	94	28	125	59	32	68	24	41	53	10
МАГИСТРАТУРА																																
1.	5A310601	Ер усти транспорт восита-лари ва тизимлари	4	2	2																											
2.	5A310604	Автомобиллар ва автомобиль хўжалиги	5	2	3																											
3.	5A320408	Материаллар кимевий қаршилиги ва занглашдан химоялаш	5	1	4																											
4.	5A340201	Бино ва иншоотлар қурилиши	6	1	5																											
5.	5A340602	Транспорт иншоотларининг эксплуатацияси	4	1	3																											
6.	5A340801	Автомобиль йўллари ва аэродромлар	4	1	3																											
Жами			28	8	20	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	1	0	0	23	7	11	0	2	0	3	0	0	0	0	0	0	0
Институт бўйича			1328	404	924	1	1	17	14	60	1	150	52	14	20	13	18	3	964	246	168	11	96	28	128	59	32	68	24	41	53	10

ТИББИЁТ ТИЗИМИ МУТЛАҚО ЯНГИЧА АСОСДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Аҳоли саломатлигини сақлаш мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан алоҳида эътибор қаратилаётган масала ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари ҳар бир қишлоқда — нутқ ва маърузаларида, ҳудудларга борганида, одамлар билан учрашганда, албатта, ушбу масалага тўхталиб ўтади. Фуқаролар соғлигини сақлаш, касалликларни профилактика қилиш, барвақт аниқлаш ва ташхислаш ишларини кучайтириш, умуман, тиббиёт тизимида аниқ самарадорликка эришиш мамлакат раҳбари томонидан соҳа олдига қўйилаётган бирламчи вазифалардан саналади.

Депутат фикри

Президентимиз раислигида шу йил 11 март куни мамла-катимизда жомат саломатли-гини таъминлаш тизими сама-радорлигини ошириш муҳока-масига бағишлаб ўтказилган йилгилишда айтилган фикрлар, берилган топшириқлар ҳам фикримиз тасдиқидир. Дарҳақиқат, ушбу йилгилиш-да аҳоли саломатлигини яхши-лаш, одамларимизни соғлом турмуш тарзига ўргатишнинг мулқало янги тизимини жорий этиш бўйича мутасаддиларга юклатилган вазифалар тиб-биёт тизимиди ишлари янада кучайтиришга туртки беради. Аҳоли саломатлигини сақлаш, касалликлар профилактикаси, аввало, халқимизнинг салмоқ-ли қисми яшайдиган қишлоқ-лардан бошланиши, бунга жа-воб берадиган яхлит тизим бўлиши кераклиги қайд этил-ган бежиз эмас. Гап шунда-ки, сувнинг ифлослисини буй-рак, ошқозон-ичак хасталикля-рига, атмосферадаги радиа-ция, озиқ-овқат маҳсулотлари-да кимевий воситаларнинг мавжудлиги онкология, нотў-ғри турмуш тарзи юрак-қон то-мир, эндокрин, нафас олиш тизими ва асаб хасталикляри-га сабаб бўлмоқда.

Шу туфайли, аввало, қишлоқ жойларда одамлар-нинг турмуш шароитини яхши-лаш, аҳолининг тиббий мада-ниятини юксалтириш, муносиб тиббий хизматни яратиш ол-димизда турган энг долзарб масалалар. Халқимизнинг са-ломатлигига энг қўп ҳавф со-ладиган омил — нотўғри ов-қатланиш, камҳаракатлилик-нинг оқибатлари тўғрисида маълумот беришимиз, жисмо-ий фаоллиқнинг моҳиятини одамларга тушунтиришимиз керак. Умуман, ушбу йилгилишда бу каби масалалар чуқур таҳ-лил қилиниб, ҳар бир ҳудуд-нинг ўзига хосликларидан кели-б чиққан ҳолда, аниқ дас-турлар асосида жойларда ман-зили иш ташкил этиш вазифа-си қўйилгани жуда тўғри бўлди. Айни пайтда бутун дунёни ташвишга солаётган масала — коронавирс инфекцияси тар-қалишининг олдини олиш бо-расида ҳам янада юқори да-ражада профилактика ишлари-ни ташкил қилиш вазифаси турибди. Албатта, фақатгина Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Санитария-эпидемиоло-гик оқойишталик агентлиги эмас, бу борада барчамиз бирдек профилактика чорала-рини кўришимиз лозим.

Куни кеча парламент қўйи палатаси Фуқароларнинг соғлиқини сақлаш масалала-ри қўмитаси томонидан ўтка-зилган йилгилишда тиббиёт ти-зимида янги йўналишларда амалга оширилаётган ишлар-ни янада кучайтириш масала-лари муҳокама этилганида ҳам ана шу мақсад устувор бўлди. Қўмитамиз, унинг ҳар бир азёоси Президентимизнинг кўрсатма ва топшириқларидан келиб чиқиб, ўз олдиға аниқ мақсад қўйиб олди. Аҳоли са-ломатлигини сақлаш, тиббий маданиятни янада юксалти-риш, соғлом турмуш тар-зини кенг тарғиб қили



ЎЗБЕКИСТОН КОМПАНИЯЛАРИ НЬЮ-ЙОРКДА ЎЗ САВДО УЙИНИ ОЧДИ

Нью-Йорк шаҳрида Ўзбекистоннинг навбатдаги савдо уйи фаолияти йўлга қўйилди. У ерда “SAG” компаниясининг миллий гиламлари ҳамда “Gulnor” бренди остида ипақдан тўқимачилик маҳсулотлари тақдим этилади. Бу ҳақда мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси хабар берди.

Таъкидлаш жоиз, 2000 йил Самарқанд шаҳрида асос солинган “SAG” савдо белгиси гиламлар ишлаб чиқариш бўйича Марказий Осиё ва МДХдаги етакчи корхона ҳисобланади ҳамда ҳар йили 12 миллион метр квадрат шу турдаги маҳсулотни етказиб беради. Бу ерда энг замонавий технологиялар қўлланилади.

Шаҳрисабзлик хунарманд Гулнора Одиловага тегишли “Gulnor” компаниясида эса, айтиб ўтганимиздек, ипақдан тўқимачилик маҳсулотлари тайёрланади. Айни пайтда мазкур корхонада 200 нафардан ортиқ қашқадарёлик хотин-аънавий тарзда ўтказиб келинадиган Гулнора Одилова Нью-Мексико штати Санта-Фе шаҳрида аънавий тарзда ўтказиб келинадиган “Халқ амалий санъати халқаро бозори” (International Folk Art Market, IFAM)нинг доимий иштирокчилсидир.

Маълумот учун, бу мазкур компаниялар томонидан охириги икки йилда ташкил этилган иккинчи савдо уйидир. Биринчиси ўтган йилнинг ноябрь ойида Филадельфия шаҳрида очилган эди.

“SAG” компанияси менежери Саида Ҳасимованинг айтишича, мазкур савдо уйи ўртимизда ишлаб чиқарилган турли маҳаллий товарларнинг кўргазмалари ва ярмаркаларини ўтказиш учун тижорат майдони вазифасини ҳам бажаради.

Миллий савдо уйлариининг тантанали очилиш маросимига сўзга чиққан дипломатик ваколатхонамиз вакили Ўзбекистонда бизнес юритиш учун қулай муҳитни таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулотларни чет эл бозорларида илгари суришга устувор аҳамият қаратилаётганига тўхталиб ўтди. Бинобарин, шу йўл билан маҳаллий ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун барча шароит яратиб берилаётди.

Жумладан, янги “шоу-рум”га ташриф буюрганлар ўзбек тўқимачилик маҳсулотлари сифати ҳамда ранг-баранглигини юксак баҳолади. АҚШга етказиб берилаётган товарларга талаб катталиги, улар жуда рақобат-

бардош эканлиги бўнинг тасдиғидир.

Бугунги кунгача юртимиз компаниялари томонидан Филадельфия ва Нью-Йоркдаги иккита савдо уйига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ҳамда умумий қиймати қарийб 300 минг долларлик 32 тонна гилам ва тўқимачилик маҳсулотлари етказиб берилди. Қўшимчасига 350 минг долларлик товарлар юборилди.

Эътиборлиси, “Gulnor” компанияси Нью-Йорк шаҳри мезбонлик қилган “New York NOW” халқаро фестивалида ҳам қатнашди. Унда мамлакатимиз вакиллари ва мезбонлар қатори дунёнинг 80 давлатидан 2300 дан зиёд брендлар ҳам ҳозир бўлди. Улар орасида Африка, Лотин Америкаси, Франция, Италия, Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Австралия каби мамлакатларнинг йирик ва номдор компания ҳамда фирмалари вакиллари бор.

Кўргазмага, шунингдек, “abscarpethome”, “Ross”, “Walmart”, “Fortuny/Venezia”, “CalvinKlein”, “GAP” каби йирик ритейлерлар, дизайнерлар, чакана савдо компанияларининг 25 мингдан зиёд вакиллари ҳам ташриф буюрди.

Ушбу йирик форумда “Gulnor” савдо белгиси томонидан Шаҳрисабз ипагидан “Ироқи” усулида тикилган миллий тўқимачилик маҳсулотлари намуналари катта ассортиментда тақдим қилинди. Бу эса уларнинг нафақат АҚШ, балки бутун дунёда ҳам кенг тарғиб этилишига имкон яратди. Зеро, “New York NOW” тадбири 400 дан ортиқ хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан кенг ёритиб борилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон элчихонаси кўмаги билан АҚШнинг икки шаҳрида миллий савдо уйлариининг очилиши, қолаверса, маҳаллий тадбиркорларнинг халқаро фестивалларда қатнашиши Ўзбекистондан океан ортига тўқимачилик маҳсулотларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш ҳажминини ошириш, америкаликлар орасида ўзбек миллий маданияти, кадр-ятлари ва санъатини оммалаштиришга хизмат қилади.

Саиджон МАХСУМОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

«ҚОВОҚВОЙ ВА ЧАНОҚВОЙ»МИ Ё «ҚАХР ВА МЕХР»?

Пойтахтимизда Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан “Ўзбек болалар адабиёти олтин фонидан” сериясида чоп этилган Гўлат Мўминнинг “Қовоқвой ва Чаноқвой”, Носир Фозиловнинг “Қаҳр ва Меҳр”, Анвар Обиджоннинг “Қувноқ-қувноқ болалар”, Дилшод Ражабнинг “Йўлдам Қўёш томондир” китоблари тақдими бўлиб ўтди.



■ Тақдимот

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда китобхонлиқни тарғиб этувчи турли тадбирлар, кўрик-танловлар, акциялар ўтказилмоқда. Нашриётлар томонидан болаларга мўлжалланган адабиётлар кенг қўламада чоп этиляпти.

Ўтган йили Чўлпон номи-

даги НМИУ эртаминг эгалари учун бир қанча китобларни тақдим этди. Жумладан, Худойберди Тўхтабоевнинг “Жаннатни одамлар”, “Тағоб қишлоқ эртақлари”, “Ширин қовунлар мамлакатиди” каби романлари, Анвар Обиджоннинг “Мўттивой”, Эркин Маликнинг “Чампо отли илон”,

Нормурод Норқобиловнинг “Четдаги одам” каби асарлари нашр қилиниб, китобхоналарга етказиб берилди. “Ўзбек болалар адабиёти олтин фонидан” сериясида янги чоп этилган китоблар ҳам болажонларга яна бир тўхфа бўлди.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти

2019/2020 ўқув йилига катта ўқитувчи, ўқитувчи, ассистент ва ўқитувчи-стажёр лавозимларига танлов эълон қилади.

Автомобиль йўллари ва сунъий иншоотлар факультети бўйича:

- Автомобиль йўлларини қидирув ва лойиҳалаш кафедраси: ассистент, ўқитувчи-стажёр;
- Автомобиль йўлларини қуриш ва эксплуатация қилиш кафедраси: ўқитувчи-стажёр;
- Кўприklar, тоннеллар ва йўлўтказгичлар кафедраси: катта ўқитувчи;
- Шаҳар йўллари ва кўчалари кафедраси: катта ўқитувчи;
- Муҳандислик графикаси ва ахборот технологиялари кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи-стажёр;
- Йўл ҳўжалиги иқтисодиёти ва уни ташкил этиш кафедраси: катта ўқитувчи;
- Ижтимоий фанлар кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.

Йўл-қурилиш машиналари ва автомобиль транспорти эксплуатацияси факультети бўйича:

- Экология ва ички ёнув двигателлари кафедраси: катта ўқитувчи;
- Йўл қурилиш машиналари ва жиҳозлари кафедраси: ўқитувчи-стажёр;
- Тиллар кафедраси: ўқитувчи.

Танловда қатнашиш учун тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- маълумотнома (объективка);
- диплом ва аттестатлар, илмий даража ва илмий унвони нусхалари;
- малака оширганлик тўғрисида гувоҳномалар нусхалари;
- илмий ишлар ва ихтиролар рўйхати;
- паспорт нусхаси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 1 ой мобайнида қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар. Танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказадилар.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темури шохқўчаси, 20-уй, Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти, ходимлар бўлими, 302-хона. Телефон: 71-232-15-29.

15/01/20

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 63 190 нусхда босилди, ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



4 772030 478004

«Исиклик электр станциялари» АЖнинг «Ўзэнерготаяминлаш» АЖ томонидан «Исиклик электр станциялари» АЖ корхоналари эҳтиёжи учун куйида илова қилинган рўйхат асосида бирламчи ўт ўчириш воситаларини сотиб олиш юзасидан танлов эълон қилинади.

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Микдори
1.	Ўт ўчириш шчит	тўплам	38
2.	Намат	дона	133
Босимли ўт ўчириш энги:			
3.	ПК д 51 10 бар	дона	262
4.	ПК д 66 10 бар	дона	182
5.	ПК д 77 10 бар	дона	30
6.	ПЧ д 51 16-20 бар	дона	158
7.	ПЧ д 66 16-20 бар	дона	68
8.	ПЧ д 77 16-20 бар	дона	114
Сўрувчи ўт ўчириш энги			
9.	д 75	дона	18
10.	д 125	дона	28
Ўт ўчиргич O'z Dst 1059:2010, O'z Dst 2589:2012			
11.	ОП-5	дона	227
12.	ОП-10	дона	110
13.	ОП-25	дона	22
14.	ОП-50	дона	47
15.	ОУ-5	дона	166
16.	ОУ-8	дона	17
17.	ОП-25	дона	59
18.	ОУ-40	дона	34
19.	ОУ-80	дона	15
20.	Кабелга ишлов берувчи оловбардош бўёқ	тн	5
21.	Темир қурилмага ишлов берувчи оловбардош бўёқ	тн	3
22.	Ўт ўчириш устунчаси (КП)	дона	14
23.	Ўт ўчириш жўмраги 0,75 - 1,0 - 1,5 м.	дона	25
24.	Бирлаштирувчи қалпоқча ГР-50 - ГР-70	дона	460
25.	Қўл стволы РС-50, РС-70, СРК-50	дона	137
26.	Лафетли ствол ПЛС-20П	дона	22
27.	Қуруқ қувур тикини	дона	124
28.	Жўмрак (кран вентиль) ДУ-50	дона	212

Ўз таклифингизда куйидагиларни маълум қилишигизни сўраймиз:

- маҳсулот бирлигининг баҳоси ҚҚС билан;
- тўлов шартлари;
- етказиб бериш шартлари;
- етказиб бериш муддати;
- кафолат муддатлари.

Маҳсулот янги, жорий ишлаб чиқаришдаги мансублик сертификати мавжудлиги билан.

Таклифлар 2020 йил 10 апрелга қадар қабул қилинади. Ўз таклифингизни куйидаги манзил бўйича жўнатишингизни сўраймиз: 100140, Тошкент вилояти, Кибрай тумани, «Салар ГЭС» қишлоғи, Ипакчилик кўчаси, 3-уй, e-mail: uzet-14@mail.ru, tto_uzet@mail.ru. Маълумот учун телефонлар: 99-814-00-56, 99-404-00-56.

15/01/20

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;

Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахриратга келган қўлашмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаобгар.

Газета тахрират марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова.

Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 00.45 Топширилди — 02.00

1 2 3 4 5 6